

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шавкатова Зарина Шобиддин қизи

Тошкент давлат юридик университети магистранти

Электрон почта: shavkatovazarina89@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақола Ўзбекистон Республикасида ер ости бойликларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш мақсадида хориж тажрибасидан фойдаланишга ва хорижий давлатлардаги ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни таҳлил қилишга бағишланган.

Калит сўзлар: *ер қаъри, геологик тадқиқот, геотермал ресурслар, илмий полигонлар, геологик қўриқхоналар.*

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена использованию зарубежного опыта и анализу использования и охраны недр в зарубежных странах с целью организации рационального использования недр в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: *недра, геологические исследования, геотермальные ресурсы, научные полигоны, геологические запасы.*

КИРИШ

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг халқаро экологик ҳуқуқ нормалари ва миллий экологик қонун ҳужжатларига асосланган атроф муҳит сифати ва табиатдан оқилона фойдаланишни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси атроф табиий муҳитининг ҳозирги аҳволи атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган илмий асосланган давлат сиёсатини олиб боришни талаб қилади. Айнан шу сабабли ҳам давлатимиз экологик сиёсатининг стратегик мақсади экологик тизимларни сақлаш, табиий ресурслар ҳолатини яхшилаш, уларнинг бир бутунлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланиши учун ҳаётни таъминловчи функциясини қўллаб-қувватлаш, яшаш сифатини юксалтириш, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳисобланади. Бу мақсадларга эришиш учун ер остида жойлашган табиат объектларини сақлаш ва қайта тиклаш, улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Бу йўналишда хорижий

давлатларнинг соҳага оид қонунчилигини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хорижий мамлакатларда ер ости бойликларидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, **Францияда** 1956 йил 16 августдаёқ Ер қаъри кодекси¹ қабул қилинган бўлиб, ушбу Кодексда асосий куйидаги беш гуруҳ масалалар тартибга солинган: кончилик ижараси ва миллийлаштирилган шахталар фаолиятини тартибга солиш, конларнинг ҳуқуқий ҳолати ва кончилик корхоналарининг ҳуқуқий мақоми, кочнилик концессияларига бўлган ҳуқуқларни қўлга киритиш ва тўхтатиш тартибини белгилаш, кончилик жойларини разведка қилиш ва эксплуатация қилиш бўйича муносабатлар мажмуини, кончилик ташкилотларининг фаолияти устидан маъмурий назорат тартиби.

Франция тажрибасининг ўзига хос жиҳати сифатида Ер қаъри кодексининг 25-моддасида белгиланган концессия фақатгина тегишли ҳудуддаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарияти билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг ҳамда жамоатчилик фикри натижаларини ўрганишдан кейин берилиши мумкинлигини қайд этиб ўтиш мумкин. Франция Ер қаъри кодексининг 29-моддаси 3-бандида фуқаролар манфаатлари устуворлиги принципига асосан давлат концессионер йўқолиб қолганда ёки банкрот бўлганда, унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича кафолат бериши тўғрисидаги қоида белгиланган².

АҚШда ер қаъридан фойдаланиш соҳасида қонун ҳужжатлари тизими “Кон ижараси тўғрисида”ги (Mineral Leasing Act, 1920 й.), “Континенталь шельф тўғрисида”ги (1953 й.), “Тошқўмирни қазиб олиш учун ерни ижарага бериш тўғрисида”ги федерал қонунлар ташкил қилади.

Ушбу қонунлар билан:

вақтинчалик мақсадли фойдаланиш учун берилиши мумкин бўлган ерлар тоифалари ва уларни олиб қўйиш тартиби. Масалан, “Кон ижараси тўғрисида”ги Қонунга кўра, узоқ муддатли ижара асосида нефть-газ хом-ашёси илгари хусусий мулкда бўлган ва федерал идоралар томонидан сотиб олинган ерларда қазиб олиниши мумкин;

ижарага олиниши мумкин бўлган участкаларнинг энг кўп ҳажмлари;

¹ Горный Кодекс Франции от 16 августа 1956 г. (Journal Officiel 21 aout № 56-8388).

² Василевская Д.В. Правовое регулирование отношений недропользования в Российской Федерации и зарубежных странах: теория и практика. Монография. – М.: Нестор Академик, 2007. – С. 357.

ер қаърини разведка қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш асослари;

бюджет тизими даражалари ўртасида олинадиган молиявий воситаларни тақсимлаш каби муносабатлар тартибга солинади.

АҚШ конунчилигига мувофиқ, АҚШга тегишли ҳудудларда континенталь шельфда ер қаъри мулкдори бўлиб, федерация, штатлар ва хусусий шахслар бўлишлари мумкин. Бироқ, хусусий мулк ҳуқуқи бир қатор чекловлар билан чекланган.

АҚШда ҳам ер қаъридан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солиш асосида ижара-лицензия тизими ётади. Бироқ, таъкидлаш лозимки, ер қаърида ишлаш учун ҳуқуқни олиш ижара (lease) тушунчаси орқали ифодалансада, мазмунан давлат ва ер қаъридан фойдаланувчи ўртасидаги муносабатлар кўп жиҳатдан концессия шартномасига мос келади.

Хом ашё қазиб олиш учун кондан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун АҚШ Ички ишлар вазирлигининг Геология бошқармасида сертификациядан ўтиш лозим. У тақдим этилган маълумотлар асосида рента, роялти ва у билан боғлиқ тўловлар миқдорини белгилаб беради. Сертификатлаштириш тамомланганидан сўнг концессионер қазиб олишни амалга ошириш учун ариза топширади.

Аргентинада ҳам ер қаъридан фойдаланиш Ер қаъри кодекси, “Углеводород ер ости фойдали қазилмалари тўғрисида”ги, “Кончилик саноатига инвестициялар киритиш тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади. Аргентинанинг ер қаъридан фойдаланиш модели кўп жиҳатдан француз моделига яқин бўлсада, бир қатор ўзига хос жиҳатларга ҳам эга. Масалан, Ер қаъри кодекси ўз юридик кучи бўйича уникал ҳужжат бўлиб, унга риоя этиш мажбурийлиги Аргентина Конституциясида тўғридан тўғри белгилаб қўйилган.

Муайян ҳудудда ер қаърини ўрганишни ва хом-ашёни тажриба тарзида қазиб олишни амалга ошириш ҳуқуқи танлов асосида бериладиган лицензия асосида берилади. Башарти, лицензия олган ташкилот тижорат аҳамиятига эга бўлган конларни аниқлай олса, ушбу ташкилот мазкур конни эксплуатация қилиш бўйича 25 йилга концессия шартномасини имзолаш ҳуқуқини қўлга киритади. Бироқ, тегишли фойдали қазилмалар конини аниқлаш имкони бўлмаса, ўрганиш учун сарфланган харажатлар қопланмайди.

Аргентинада лицензия шаклида расмийлаштириладиган тизим амал қилади. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун концессия шартномаси концессионерга тегишли ҳудудда анча кенг ҳуқуқларни беради. Концессионер

кўшимча рухсатномаларсиз зарур инфратузилмани куриш, фойдали қазилмаларни ташиш ва кондан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ишларни амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритади³.

Молдова Республикасида ҳам 2009 йил 2 февралда 14 боб ва 85 моддадан иборат бўлган Ер қаъри кодекси қабул қилинган⁴. Кодекс 14-моддасида ер қаъридан фойдаланишнинг 6 та тури кўзда тутилган: геологик ўрганиш, шу жумладан, фойдали қазилмалар конларини қидириш, баҳолаш ва разведка қилиш ҳамда геологик тадқиқотларнинг бошқа турларини амалга ошириш; фойдали қазилмаларни, шу жумладан, ер ости сувлари ва табиий даволаш ресурсларини қазиб олиш; ер ости бойликларини қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини куриш ва эксплуатация қилиш; зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини кўмиш; муҳофаза этиладиган геологик объектларни ташкил этиш; минералогик, палеонтологик ва бошқа коллекциябоп геологик материаллар тўплаш.

Молдова Ер қаъри кодексининг яна бир ижобий жиҳати унда ҳар бир ер қаъридан фойдаланиш тури бўйича махсус боблар ажратилган бўлиб, бу ушбу фойдаланиш турларини ҳар бирини атрофлича тартибга солиш имконини беради.

Гувоҳи бўлганимиздек, Молдовада ер ости иншоотларини куриш ва чиқиндиларни кўмиб ташлаш Ўзбекистон Республикасидан фарқли равишда битта фойдаланиш турини эмас, балки алоҳида-алоҳида фойдаланиш турларини ташкил этади. Шунингдек, нодир тош хом ашёси намуналарини эмас, балки минералогик материалларни тўплаш деб, кенгайтирилган ҳолда баён этади.

Яна Ўзбекистон Республикасида фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини куриш учун муддатсиз берилса, Молдовада ушбу мақсадлар учун ер қаъри участкаси беш йилгача берилиши ҳамда башарти, ер ости иншоотлари чиқиндиларни сақлашга мўлжалланган бўлсагина у муддатсиз фойдаланишга берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган (Кодекс 15-моддаси). Шунингдек, Молдовада ер ости сувларини қазиб олиш учун ер қаъри участкаси 25 йилгача муддатга берилиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Айни дамда Молдовада ер қаъридан фойдаланиш муддатлари бузилган ер қаъри участкаларини яна фойдаланишга яроқли ҳолатга келтириш учун сарфланадиган вақтни ҳам ўз ичига олиши тўғрисидаги қоида белгилаб қўйилган.

³ Блинков В.М. Аналитическая записка к проекту федерального закона «О недрах». Серия: Экономическая политика. – М.: Отдел аналитического обеспечения законодательной деятельности Федерального Собрания Российской Федерации, 2005.

⁴ Кодекс о недрах Республики Молдовы от 02.02.2009 г. №3-XVI // Monitorul Oficial №. 75-77, статья №197. 17.04.2009 г. (www.lex.justice.md – сайт Парламента Республики Молдовы).

Молдова қонунчилигининг яна бир жиҳати унда миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга бағишланган алоҳида 41-модда мавжуд бўлиб, у ер қаъридан фойдаланувчилар, шу жумладан, чет элликлар томонидан устувор тартибда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг иш ва хизматларидан фойдаланилишини мустаҳкамлайди. Бунда фақатгина ягона талаб миллий ишлаб чиқарувчилар кўрсатаётган иш ва хизматлар миллий ва халқаро стандартларга мос бўлиши лозимлиги кўзда тутилган. Ер қаъридан фойдаланувчилар биринчи навбатда миллий мутахассис ва ишчиларни ишга ёллашлари шарт бўлиб, бунда уларнинг малакаси тегишли талабларга жавоб бериши лозим.

Россия Федерациясида ер қаърига оид муносабатлар 1992 йил 21 февралда қабул қилинган ва 7 бўлим, 52 моддадан иборат бўлган “Ер қаъри тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади⁵. Ҳозирги кунга қадар Қонунга 52 маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги ҳам ушбу Қонун анча олдин қабул қилинганига қарамай изчил ривожланиб келаётганлигидан далолат беради.

Қонуннинг 6-моддасида ер қаъридан фойдаланишнинг 6 тури белгиланган бўлиб, улар моҳият эътиборига кўра Ўзбекистон ва Молдова қонунчилигида кўзда тутилган фойдаланиш турларини айрим истиснолар бўлгани ҳолда такрорлайди. Масалан, ер қаърини геологик ўрганиш ўз навбатида геология-геофизика ишларини амалга ошириш, геологик тасвирга олиш, муҳандислик-геологик тадқиқотларини ўтказиш, илмий-тадқиқот, палеонтологик ва бошқа ер қаърини геологик ўрганишга йўналтирилган ишларни, ер қимирлашларини прогноз қилиш бўйича геологик ишларни, вулқонларни тадқиқ этиш бўйича фаолиятни, ер қаъри ҳолати мониторинги ташкил этиш ва юритиш, ер ости сувлари ҳолатини назорат қилиш ва бошқа ер қаъри яхлитлигига жиддий путур етказмайдиган ишларни амалга ошириш деб кенгайтирилган ҳолда баён этилган. Муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо қилишда ҳам уларнинг илмий, маданий, эстетик, санитария-соғломлаштирувчи ва бошқача аҳамиятга (илмий ва ўқув полигонлари, геологик кўрикхоналар, буюртмахоналар, табиат ёдгорликлари, ғорлар ва бошқача ер ости текисликлари) эга бўлиши кўрсатиб ўтилган. Айни дамда Молдова сингари минералогик материаллар (Ўзбекистонда – нодир тош хом ашёси намуналари) тушунчасидан фойдаланилган.

Шунингдек, Россия Федерациясида ҳам Молдовадаги сингари ер ости сувларини қазиб олиш учун ер қаъри участкаси 25 йилгача муддатга берилиши

⁵ Закон РФ «О недрах» от 21.02.1992 г. №2395-1 (ред. от 03.07.2016) // КонсультантПлюс – www.consultant.ru

мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Яна “маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ер қаъри участкалари” тушунчаси мустаҳкамланган бўлиб, уни фойдаланишга беришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилган (умумий фойдаланишдаги кенг тарқалган фойдали қазилмалар бўйича қўлланилади). Қолаверса, умумий фойдаланишдаги кенг тарқалган фойдали қазилмалардан ҳамда ер ости сувларидан фойдаланиш ҳамда ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ставкалари билан боғлиқ алоҳида нормалар белгиланган⁶.

Арманистон Республикасининг 2011 йил 28 ноябрдаги Ер қаъри кодекси 11 боб ва 81 моддадан иборат⁷. Қонуннинг 19-моддасида ер қаъридан фойдаланиш икки катта гуруҳга ажратилган: 1) геологик ўрганиш мақсадларида; 2) фойдали қазилмаларни қазиб олиш мақсадида.

Ер қаъри кодексида миллий хавфсизлик, одамлар ҳаёти ва соғлиғини, тарихий-маданий қимматликлар ёки табиатни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларида ер қаъридан фойдаланиш таъқиқланадиган ҳолатлар ҳам аниқ белгилаб қўйилган (26-модда). Хусусан, башарти ер қаъри участкаси устида қабристон, табиат, тарихий ва маданий ёдгорликлар, Қизил Китобга киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари жойлашган бўлса улардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Арманистонда ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи муддатлари ҳам ўзига хос (27-модда). Хусусан, ер қаъри участкалари ер қаърини геологик ўрганиш учун – 3 йилга, фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун кўпи билан 50 йилга берилиши мумкин.

Арманистон ер қаъри қонунчилигининг ўзига хос жиҳатлари сифатида унда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан шуғулланаётган ташкилотлардан ундириладиган тўловларнинг муайян қисмидан Табиатни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш жамғармаси шакллантирилиши белгиланган (69-модда). Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ушбу жамғармага маълум миқдорда тўлов ўтказиб бориш мажбурияти ер қаъридан фойдаланиш тўғрисидаги шартномага киритилади. Жамғарма маблағларидан табиатни муҳофаза қилиш ишларини молиялаштириш ҳамда атроф муҳитга ер қаъридан фойдаланиш натижасида етказилган зарарни қоплаш мақсадларида фойдаланилади.

⁶ Василевская Д. В. Правовой режим недропользования в России и зарубежных странах. – М.: Право ТЭК, 2010. – С. 254.

⁷ Кодекс Республики Армения «О недрах» от 28.11.2011 г. // www.parliament.am – Национальное Собрание Республики Армения.

Беларусь Республикасининг 2008 йил 23 июлдаги Ер қаъри кодекси 17 боб ва 91 моддадан иборат⁸. Унинг 28-моддасида ер қаъридан фойдаланишнинг тўрт тури кўзда тутилган: ер қаърини геологик ўрганиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, ер ости ҳудудидан фойдаланиш, ер қаърининг геотермал ресурсларидан фойдаланиш.

Кодекснинг 29-моддасида ер қаъридан фойдаланиш муддатлари сифатида 5 йилгача (геологик ўрганиш учун), 20 йилгача (фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, ер қаърининг геотермал ресурсларидан фойдаланиш учун), 99 йилгача (ер қаъри участкаси концессия шартномаси асосида берилганда) бўлган муддатлар белгилаб қўйилган.

Гувоҳи бўлганимиздек, Беларусь Республикасида “Ер қаърининг геотермал ресурсларидан фойдаланиш” ўзига хос фойдаланиш тури сифатида кўзда тутилган. Кодекснинг 11-боби “Ер қаърининг геотермал ресурслари”га бағишланган. Унинг 61-моддасига кўра, ер қаърининг геотермал ресурслари сифатида қуйидагилар ҳисобланади: ер қаъри геотермал сувлари, ер қаърининг кон иссиқликлари.

Ер қаърининг геотермал ресурсларидан электроэнергия олиш, иссиқ сув таъминоти, турар-жой ва ишлаб чиқариш биноларини иситиш, даволаш, соғломлаштириш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин. Ер қаърининг геотермал ресурсларидан фойдаланиш (62-модда) махсус рухсатнома асосида амалга оширилади.

Украинанинг 1994 йил 27 июлдаги 9 бўлим ва 69 моддадан иборат бўлган Ер қаъри кодексининг⁹ 14-моддасида ер қаъридан фойдаланишнинг 6 та тури белгилаб қўйилган: ер қаърини геологик ўрганиш, шу жумладан, умумдават аҳамиятидаги фойдали қазилмалар конларида тажриба-саноат тарзида қазиб олишни амалга ошириш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини, шу жумладан, нефть, газ ва бошқа модда ва материалларни, оқава сувларни, зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш, кўмиш мақсадида қуриш ва ишга тушириш; муҳим илмий, маданий, санитария-соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган геологик ҳудуд ва объектларни (илмий полигонлар, геологик қўриқхоналар, буюртмахоналар, табиат ёдгорликлари, даволаш ва соғломлаштириш масканлари) қуриш; маҳсулот тақсимотига оид битимларда кўзда тутилган ишларни бажариш (фаолиятни амалга ошириш); бошқа эҳтиёжларни қаноатлантириш.

⁸ Кодекс Республики Беларусь «О недрах» от 23 июля 2008 г. N 2/1503 // www.pravo.kulichki.com

⁹ Кодекс о недрах Украины 27 июля 1994 года №132/94-ВР // www.meget.kiev.ua

Украина қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун квоталар белгилаш тизими йўлга қўйилган (52-модда). Унга кўра, фойдали қазилмаларни интенсив қазиб олишнинг салбий демографик, ижтимоий ва экологик оқибатларнинг олдини олиш мақсадида алоҳида фойдали қазилмалар турларини қазиб олиш учун Ҳукумат томонидан квоталар белгиланади.

Туркменистон Республикасида 2014 йил 20 декабрда 11 бўлим, 60 моддадан иборат бўлган “Ер қаъри тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди¹⁰. Қонунда ер қаъридан фойдаланишнинг 5 та тури кўзда тутилган: ер қаърини геологик ўрганиш, шу жумладан, тоғ-шеологик ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаштириш, минерал хом-ашёни қазиб олишнинг оқилона усулларини танлаш мақсадида тажриба-саноат тарзида қазиб олишни амалга ошириш; фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, шу жумладан, кончилик чиқиндиларидан фойдаланиш; фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини (ишлаб чиқариш чиқиндилари, махсус қурилмалар, ашё ва материалларни сақлаш учун) қуриш ва ишлатиш, ер иссиқлигидан фойдаланиш, оқава сувларни оқизиш ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланиш; илмий, маданий, эстетик, санатория-соғломлаштириш ва бошқа аҳамиятига эга бўлган алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектларни (илмий ва ўқув полигонлари, геологик қўриқхоналар, буюртмахоналар, табиат музей ва ёдгорликлари, ғорлар ва бошқа табиий ва техноген (сунъий) ер ости йўлаклари) қуриш; минералогик, палеонтологик ва бошқа коллекциябоп геологик материалларни тўплаш (11-модда).

Қонуннинг 13-моддасида ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг қуйидаги муддатлари белгиланган: геологик ўрганиш учун – 6 йилгача (геологик ўрганиш учун муддат икки йилдан икки маротабагача узайтирилиши мумкин); фойдали қазилмаларни қазиб олиш – 20 йилгача (яна беш йилгача узайтирилиши мумкин); ер қаърини геологик ўрганиш ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун – 25 йилгача.

Бугунги кунда ер ости бойликларидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигини кузатишимиз мумкин. Ер ости бойликларидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонунчилик асосида қабул қилинган нормалар етарлича эмас, мазкур қонун нормалари ишлаб чиқишда АҚШ ва Беларусь Республикаси давлатлари тажрибасини амалиётга қўллашимиз мумкин, шунингдек, ер ости

¹⁰ Закон Туркменистана «О недрах» от 20 декабря 2014 года // Электронная газета «Туркменистан: золотой век» – www.turkmenistan.gov.tm

бойликларидан фойдаланиш соҳасидаги малакали кадрларни ҳам таййорлаш ушбу соҳанинг ва қонунчиликнинг такомиллашишига сабаб бўлади.

REFERENCES

1. Кодекс Республики Беларусь «О недрах» от 23 июля 2008 г. N 2/1503 // www.pravo.kulichki.com.
2. Кодекс о недрах Украины 27 июля 1994 года №132/94-ВР // www.meget.kiev.
3. Блинков В.М. Аналитическая записка к проекту федерального закона «О недрах». Серия: Экономическая политика. – М.: Отдел аналитического обеспечения законодательной деятельности Федерального Собрания Российской Федерации, 2005.
4. Кодекс о недрах Республики Молдовы от 02.02.2009 г. Nr.3-XVI // Monitorul Oficial Nr. 75-77, статья №197. 17.04.2009 г. (www.lex.justice.md – сайт Парламента Республики Молдовы).
5. Закон Туркменистана «О недрах» от 20 декабря 2014 года // Электронная газета «Туркменистан: золотой век» – www.turkmenistan.gov.tm